

## ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА АҚШ МЕҲНАТ ВАЗИРЛИГИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Алибек Турсунов вилоят ҳокимлиги қабуллар уйида АҚШ Меҳнат вазирлиги Халқаро меҳнат масалалари бошқармасининг Одам савдоси, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати масалалари бўлими вакиллари Маргарет Жунгк, Сара Соломон ҳамда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Сара Бэккерни қабул қилди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосари Комила Кавланова, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Эркин Нуралиев, вилоят Бандлик бошқармаси бошлиғи Сайдбек Давлатов ҳам иштирок этди.

Ташрифдан мақсад одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида мамлакатимиизда, шу жумладан, вилоятимиизда амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг натижалари билан танишиш, махаллий пиллачилик корхоналари вакиллари иштирокида учрашувлар ўтказишдан иборат экани қайд этилди.

АҚШлик меҳмонларга ипакчилик тармоғида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатидан бундан бир неча йиллар аввал воз кечилгани, бугунги кунда ушбу секторда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан умуман фойдаланилмаётгани тушунириб ўтилди.

Учрашувда фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масаласида икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасида ҳам фикр алмашилди.

Алибек Турсунов АҚШлик мутахассислар саволлари асосида вилоятда пиллачилик бўйича амалга оширилаётган ишлар, ушбу йўналишдаги кластерлар фаолияти, доимий ва мавсумий ишчиходимлар ҳақида маълумотларни тақдим қилди.

Меҳмонлар кун давомида Марғилон шаҳридаги “Нурли тонг силк” МЧЖ, “Водий маржони” ХК ҳамда “Хунармандлар маркази” фаолияти билан танишадилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-01-27 13:15:24